



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 25 - dekabr

218-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

**Самарқанд шаҳрини Ширин массиви билан боғловчи Қорадарё дарёси устидан ўтувчи йўл ўтказгич кўприги қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарори талабларига мувофиқ, Самарқанд шаҳрини Ширин массиви билан боғловчи Қорадарё дарёси устидан ўтувчи йўл ўтказгич кўприги қурилишини ташкил этиш мақсадида

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси буюртмачилигида Самарқанд шаҳрини Ширин массиви билан боғловчи Қорадарё дарёси устидан ўтувчи йўл ўтказгич кўпригини қуриш мақсадида “Самарқанд мунтазам йўллардан фойдаланиш” унитар корхонасига қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 7,10 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. “Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси (А.Бахриев):

мазкур объектнинг лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини тегишли

ташкилотларнинг техник шартлари ҳамда хуносаларида белгиланган талаблар асосида ўз муддатида ишлаб чиқиб, тасдиқланишини;

экспертиза хуносаларини олиш ва тендер савдолари ўтказилишини таъминласин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. “Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси (А.Бахриев), тегишли лойиҳа ташкилоти (лоиҳа муаллифи), Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси вилоят ҳудудий бўлими (Ж.Янгибоев):

мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назоратини қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режаграфик асосида бажарилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойқулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов), Самарқанд шаҳар ҳокимлиги (Б.Облақулов) мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳамда шаҳар ер ҳисботи (баланси)га тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов